



Бакара сурасининг 183-185 ва 187-оятларида Рамазон ойи рўзасининг ҳукмлари ва хикматлари баён этилган. Ушбу ояти карималар оркали Аллох таоло мўминларга карата олдин ўтган бошқа кавмлар каби Ислом умматига ҳам рўза фарз килинганининг хабарини беряпти ва рўза такводорлик белгиси эканини ҳам таъкидлаяпти.

Эй иймон келтирганлар, олдин ўтганларга каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз килинди, шояд, шунда такводор бўлурсизлар (183-оят).

Зеро, рўза ибодати билан нафс тарбияланади, шахвоний хою-хаваслар жиловланади. Рўза тутиб, инсон комил хулқларга эга бўлади. Комил хулқли инсонлар яшаган жамиятда осуда ва тинч-осойишта ҳаёт ҳукм суради. Оятда рўза ибодатининг ўтган пайгамбарларнинг умматларига ҳам фарз килигани эслатилиб, мусулмонларга ушбу ибодатнинг огир эмаслиги билдирилмоқда. Инсон ўзига машаккат бўлиб кўринган ишни олдин ҳам кимлардир бажарганини билса, унга киришиши осонлашади, кийинлигини унутди, уни пухта ва мукаммал бажаришга гайрат билан киришади. Рўза нафакат мусулмонларга, балки Исломдан олдинги кавмларга ҳам фарз эди. Бу ҳақда бир неча ҳадиси шарифлар ҳам бор. Абдуллох ибн Умар (розияллоху анхумо) ривоят қиладилар: «Жоҳилият аҳли ашуроода (муҳаррам ойининг ўнинчи куни) рўза тутар эди, Рамазон ойида рўза тутиш ҳақида оят нозил бўлгач, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ашуро рўзасини хоҳлаганлар тутсин, хоҳламаганлар тутмасин», дедилар» (Имом Бухорий ривояти); Ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Биз Курайш аҳли жоҳилият даврида ашуро рўзасини тутар эдик. Жаноб Расулulloх ҳам тутардилар. Мадинага келганларида ашуро рўзасини тутдилар, бошқаларга ҳам тутишни буюрдилар. Аллох таоло Рамазон ойи рўзаси ҳақида оят нозил қилиб уни фарз этгач, ашуроода рўза тутилмайдиган бўлди. Ашуро рўзасини хоҳлаганлар тутиб, хоҳламаганлар тутмас эди» (Имом Бухорий ривояти).

У санокли кунлардир, сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бошқа кунлари санокни тўлдирсин. Кодир бўлмаган кишилар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир. Ким ихтиёри билан яхшилик қилса, ўзига фойдадир. Агар билсангизлар, рўза тутишингиз ўзларингизга яхшидир (184-оят).

«Санокли кунлар» дейилишидан мурод, бошка пайгамбарларнинг умматларига бир неча ойлаб рўза тутиш буюрилгани холда мусулмонларга Рамазон ойида ўттиз ёки йигирма тўққиз кун рўза тутиш фарз килинди. Бу маънода рўзанинг кийин ва машаккатли эмаслигига, инсон бунинг уддасидан бемалол чиқишига ишора бордир.

«Кодир бўлмаган кишилар» дейилганида кексайиб картайган ёки огир беморлик туфайли ёхуд бошка узрли сабабларга кўра рўза тутишга ярамайдиган кишилар назарда тутилган. Бу тоифа кишилар хар бир кун учун бир мискин кишининг кунлик таоми микдорига фидя (бадал) тўлашлари лозим. Аммо иложи борича, рўзани колдирмай тутган киши катта савоб ва охират мукофотларига эришади. Баъзи муфассирлар (масалан, Абдуллох ибн Масъуд) фикрича, «Ким ихтиёри билан яхшилик килса, ўзига фойдадир. Агар билсангизлар, рўза тутишингиз ўзларингизга яхшидир» ояти нозил бўлгач, юкоридагиларни насх килган (Мурра ривояти).

Санокли кунлар рўзаси истисносиз барча холлар ва кишилар учун мажбурийдир, аммо рўза тутишга ярамайдиган касал ва кариялар, сафардаги кишилар учун уни тутмасликка, ўрнига фидя бериш ёки бошка кунлари казо рўзасини тутиб беришга рухсат этилган. Бу холат Исломи шариатининг энгиллиги ва кенглигини кўрсатади. Ато (розияллоху анху) айтади: «Аллох таоло сўзига кўра, киши касал бўлиб силласи куриганда рўзасини бузади» (Имом Бухорий). Яна бир хадисда келишича, Ато (розияллоху анху) Ибн Аббоснинг (розияллоху анхумо): «Кодир бўлмаган кишилар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир» оятини кирдат килганини эшитдилар. Ибн Аббос: «Бу оят мансук бўлган эмас, агар кекса киши ёки кекса аёл рўза тутишга кодир бўлишмаса, хар бир рўза тутилмаган кун бадалига бир мискинни тўйдирини лозим», дедилар» (Имом Бухорий ривояти). Рухсат берилган кишилар хам рўзаларини колдирмай тутишса, ўзларига фойдадир. «Рўзанинг дунёвий хаётингиздаги фойдаларини, охиратда рўза сабабидан эришадиган макомларингизни билганингизда эди, ўн икки ой рўзадор бўлишни истар эдингиз», дейилади хадисда. Хадиси кудсийда келишича, Аллох таоло бундай деган: «Одам боласининг рўзадан бошка барча амали ўзигадир. Рўза Менгадир, унинг мукофотини хам Ўзим бераман». Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ким Рамазон рўзасини иймон-ишонч билан ва савобидан умид килиб тутса, олдинги гунохлари магфират килинади», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Рамазон ойида инсонларга хидоят бўлган хамда хидоят ва фурконнинг очик башорати бўлиб Куръон туширилган. Ким бу ойга етса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бошка кунлари сонини тўлдирсин. Аллох сизларга осонликни истайди, кийинчиликни хохламайди. Шунинг учун санокни бут килинглари ва хидоят килгани учун Аллохни улугланглари, шунда такводор бўлурсизлар (185-оят).

Ояти каримадаги «фуркон» сўзи «ажратувчи» маъносини билдиради, яъни Куръони Карим хак билан ботилни ажратувчидир. Рамазон ойи барча самовий китоблар, шу жумладан, Куръони Карим нозил килинган шарафли ойдир. Ким бу ойга етса, рўза тутишга монё сабаблари бўлмаган муким киши рўза тутсин, чунки у Исломи рукнларидан биридир. Аллох учун рўза тутиш калкондир: дунёда гунохлар хорлигидан, охиратда дўзах ўтидан химоя килади; рўза лаънати шайтон устидан галаба гаровидир, жисмимиз закотидир, жаннатга элтувчи кўприкдир. Рўза тутишга амр килиниб хамда рўзанинг улуглиги ва манфаатлари бекиёслиги баён этилганидан сўнг санокли кунларда барча истисносиз уни тутиши лозим, деб тушунилмаслиги учун бемор ёки сафардаги кишилар уни кейин тутиб беришлари яна кайта эслатилмокда. Чунки уларнинг холати

рўза тутишларига монеъ бўлгани учун уларга Рамазон ойидан кейинрок тутиб беришга рухсат этилмоқда. Ислонинг илк даврида рўза янги фарз килинганида хар бир мусулмон рўза тутиш ёки фидя беришда ихтиёрли эди. Кейин бу ихтиёр бекор килинди. Фидя бир мискинга икки махал тўйгунича таом беришдир, агар бундан зиёда бўлса, янада яхши. Энди хар бир киши Рамазон ойига етиб келса, ўзи бемор ёки сафарда бўлмаса, Рамазон рўзаси унинг зиммасида фарздир. Ўзи тутуди, тутолмаса, мискинга фидя беради. Зеро, «Аллох сизларга осонликни истайди, кийинчиликни хохламайди». Аллох таоло сизларни рўза баракотларидан бенасиб колдирмаслиги учун сизни икки дунё саодатига эриштирувчи хидоят йўлига йўллагани, ибодатларга бошлагани учун берган неъматларига шукр айтиб, У Зотни улугланглар, шундагина такво ахлидан бўласизлар.

Сизларга рўза кечаларида хотинларингизга кўшилиш халол килинди. Улар сизларнинг либосингиз, сиз уларга либоссиз. Ўзларингизга хиёнат килаётганингизни Аллох билди ва тавбаларингизни кабул этиб, афв килди. Энди уларга якинлашаверинглар ва Аллох сизларга ёзган нарсани умид килаверинглар. Субхда ок ип корасидан ажрата олингунича еб-ичаверинглар, сўнгра кечгача рўзаларингизни тўкис килинглар. Масжидларда эътикофдалигингизда уларга якинлик килманглар. Булар Аллох чегараларидир, уларга асло якинлашманглар. Инсонлар такво килишсин, деб Аллох оятларини мана шундай очик баён этади (187-оят).

Яъни рўза кечаларида мусулмонларга аёллари билан кўшилиш халол килинди. Баро ибн Озиб (розияллоху анху) ривоят килади: «Аллох таоло Рамазон ойи рўзаси хакида оят нозил килгач, одамлар Рамазон давомида аёллари билан жимо (жинсий ковушиш) килмасликлари лозим эди. Шундай бўлса-да баъзилар ўзларига хиёнат килишарди. Кейин Аллох таоло юкоридаги оятини нозил килди» (Имом Бухорий ривояти). Оятда айтиляптики, аёллар эркакларга, эркаклар аёлларга либос, тўсик килинди. Эр ва аёл бир-бирини гунохлардан, бузукликлардан асровчи, химоя килувчи либослардир. Одатда либос уят жойларни тўсиш, иффатни саклаш ва зийнат учун ишлатилади. Шунинг каби Ислонда эр-хотин бир-бирларининг айбларини тўсишади, бир-бирларини ёмонлик ва фахш ишлардан химоя килишади ва бир-бирларини зийнатлашади. Демак, биз – мусулмон эрлар эгнимиздаги либосларни канчалик озода, пок тутсак, унинг кимматини англаб канчалар авайласак, жуфти халолларимизни хам шунчалар эъзозлашимиз лозим. Ато ибн Омир (розияллоху анху) бундай ривоят килади: «Бир хотин Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайхи васаллам) олдиларига келиб: «Эй Аллохнинг Расули, эрнинг хотин устидаги хакки нима?» деб сўради. Набий алайхиссалом: «Агар эри туя устида туриб уни хохласа, эътироз билдирмаслиги, Рамазондан ташкари, хар кандай нафл (ихтиёрий) рўзани факат эрининг рухсати билан тутишдир, агар шундай килмаса, эрга ажр, хотинга гунох бор. Яна эрининг ижозатисиз кўчага чикмаслигидир. Агар чикса, рахмат ва азоб фаришталари у то уйига кайтгунича унга лаънат ўкишади», деб жавоб бердилар. Каъбул Ахбор: «Киёмат куни хотиндан биринчи сўраладиган нарса намоз, сўнг эрининг хакки», деган. Бу киска дунё хаётида хаё ва номус имтихонидан ўтиш учун хар икки томон бир-бирига неъматдир. Никох бошкаларнинг номусига кўз олайтирмаслик, номус хусусида хар икки тарафнинг бир-бирига килган ахд-паймони шартномасидир. Хозирги пайтда ёшлар онгига буни «колоклик, эскилик» дея сингдиришга уринаётган, манбаи ташкарида бўлган турли мафкура, жамият ва гурухлар борлиги аён. Улар тузогига

тушмаслик учун гоятда хушёр ва сергак бўлиш лозим. Акс холда, хаётнинг асл мазмуни икки жинс ўртасидаги ношаръий муносабатлардан иборат, дея тушунувчи ёшлар сонининг қўпайиб кетиш эҳтимоли бор.

Мазкур ояти карима Рамазон рўзаси хукмларига оиддир. Эр-хотиннинг турмуш қуришдан асосий максоди, сўзсиз, фарзанд кўришдир. Рўза ибодати янги фарз килинган даврда кеча аввалида еб-ичиш ва хотин билан яқинлик қилиш жоиз бўлса-да, бир ухлаб турилгач, буларнинг ҳаммаси ман этилар эди. Баъзилар бу хукмни бузиб қўйишди ва Пайгамбар алайхиссалом хузурларига келиб қилмишларига икром бўлишди ҳамда қандай тавба қилишни сўрашди. Шу воқеа устида юқоридаги оят туширилди ва кечанинг ҳаммасида еб-ичиш ва хотин билан яқинлашишга ижозат берилди. Демак, Рамазон ойи кечалари аёлларингиз билан қўшилиш ва бу қўшилишдан Аллох таоло сизларга насиба қилиб қўйган фарзандни умид қилинг. Шахватни қондириш, бахра олиш, нафс истакларини бажариш эса уйланишнинг дунёвий максадларидир. Лекин масжидларда эътикоф ўтирганда кечаю кундуз хотин билан яқинлашишга рухсат йўқ. Ушбу ояти каримада сахарлик вақтини белгилаш учун «Субхда ок ип корасидан ажрата олингунича еб-ичаверинглар» жумласи келган. Мазкур оят нозил бўлганида саҳобалардан Адий ибн Хотам тунда ок ва кора рангли ипларни олиб унга тикилиб ўтирган. Субхдан кейин ҳам иплар рангини ажрата олмаган. Тонгда Пайгамбаримиз (алайхисалом) хузурларига келиб бўлган воқеани баён қилганида у Зот (соллаллоху алайхи ва саллам) унинг фаросати камлигини айтиб, оятдан қўзланган мурод нима эканини тушунтирганлар (Имом Бухорий. «Бобут-тафсир», 8-жилд, 127-бет). Баъзи муфассирлар оятдаги «ок ип»ни субх деб, «кора ип»ни окшом, кечкурун, деб тафсир қилишган.

Турли тафсирлар асосида Ахмад Мухаммад тайёрлади